

ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ

Мақолада хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: бозор муносабатлари, иқтисодиётни либераллаштириши, мулкчилик муносабатлари, хусусий мулк, давлат мулки монополизми, мулкдорлар синфи.

В статье исследованы теоретико-методологические основы совершенствования системы государственной поддержки развития частной собственности.

Ключевые слова: рыночные отношения, либерализация экономики, имущественные отношения, частная собственность, монополия государственной собственности, класс собственников.

The article investigated the theoretical-methodological bases for improving the system of state support for the development of private property.

Key words: market relations, liberalization of the economy, property relations, private property, monopoly of state property, class of proprietors.

Маълумки, бозор муносабатларига асосланган жамиятни барпо етишнинг асосий шарти давлат мулкини хусусийлаштириш, қўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида рақобатлашиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат. Бунда асосийси мулкчиликда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бу мулкнинг маълум қисмини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини ҳал қилишдир. Шунга қўра, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ мулкчиликнинг ҳамма шакллари teng ҳуқуқли еканлиги конституцион тарзда эътироф этилди ва давлат мулки монополизмини тугатиш ҳамда бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига қўп укладли иқтисодиётни реал шакллантириш вазифаси қўйилди. Аввало мулкчиликнинг турли шакллари қарор топиши учун teng ҳуқуқий нормалар ва амал қилиш механизmlари яратилди. Яъни, Ўзбекистонда ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга муҳим аҳамият касб етuvчи жараён сифатида қаралиб, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Конун қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча. Хусусийлаштириш - давлат мулкига егалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтишидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларини вужудга келтиришни ҳам кўзда тутади. Яъни, давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара

корхоналарига, акциядорлик жамиятларига, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришdir.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни либераллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири иқтисодиётда хусусий секторни ривожлантириш, мулкдорлар синфини яратиш, кичик бизнес ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-куватлашдир[1]. Бу соҳада мамлакатимизда қатор ижобий натижаларга еришилди. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳукуқий асосларини такомиллаштириш борасида қатор қатор меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5087-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис етиш тўғрисида»ги ПФ-5037-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизmlарини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-2750-сон қарори ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида еътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакат Президенти томонидан кичик бизнес иқтисодиётнинг уч асосий масаласини ҳал етиши зарурлиги белгилаб берилган.

Биринчидан, яқин вақт ичидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг асосий хажмини ишлаб чиқариши керак.

Иккинчидан, улар аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишининг енг муҳим манбаи бўлиши зарур.

Учинчи масала – мулкдорлар синфини мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминловчи асосий куч сифатида шакллантириш зарур. Бу мақсадга еришиш учун енг аввало қўп укладли иқтисодиётни яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 835 та (дастур

доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 133 та (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 15,9 %), Фарғона вилоятида – 84 та (10,1 %), Қорақалпоғистон Республикасида – 74 та (8,9 %), Сурхондарё вилоятида – 73 та (8,7 %), Қашқадарё вилоятида 69 та (8,2 %), Андижон вилоятида – 66 та (8,0%)ни ташкил этди.



1-расм. 2018 йилнинг январь-декабрида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби (жамига нисбатан %да)[3]

Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 683 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 81,8 %), Соғлиқни саклаш вазирлиги – 72 та объект (8,6 %), Халқ таълими вазирлиги – 13 та объект (1,6 %), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – 13 та объект (1,6 %) ва “Навоий кон metallургия комбинати” ДК – 12 та объект (1,4 %) тўғри келади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилди. Иқтисоди ривожланган мамлакатлар тажрибаси далолат берадики, аҳоли турмуш даражасининг доимий равишда юқори бўлишига, аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш орқали еришиб келинмоқда.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётни янада еркинлаштириш шароитида олиб борилган ислоҳотлар натижасида, 2018 йил 1 январ ҳолатига, республика бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотлар сони (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) 285,3 мингтани ташкил етиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,5 фоизга ошди.

Ушбу корхоналарнинг асосий қисми, 56,5 мингтаси Тошкент шаҳрига, 29 мингтаси Тошкент, 27,7 мингтаси Андижон, 23,8 мингтаси Фарғона, 21,0 мингтаси Самарқанд, 20,2 мингтаси Наманган, 18,9 мингтаси Қашқадарё вилоятларига ва 13,7 мингтаси Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Шунингдек, Республикамизда 2018 йил 1 январ ҳолатига ташкилий-хуқуқий шакллари таснифлаги чўйича фаолият юритаётган тижорат корхоналарининг умумий сони (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) 213089 тани ташкил қилди. Ушбу фаолият юритаётган тижорат корхоналарининг 57,0 фоизини масъулияти чекланган жамиятлар, 33,2 фоизини хусусий корхоналар, 3,9 фоизини оиласвий корхоналар, 1,1 фоизини унитар корхоналар, 0,3 фоизини акциядорлик жамиятлари ҳамда 4,5 фоизини бошқа ташкилий-хуқуқий шакллардаги корхоналар ташкил етади.

2018 йил 1 январ ҳолатига республикада фаолият қўрсатаётган йирик тижорат корхоналари сони (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) 2302 тани ташкил етди. Иқтисодий фаолият турлари кесимида мазкур корхоналар ва ташкилотларнинг 101 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари, 542 таси саноат, 292 таси қурилиш, 513 таси савдо, 217 таси ташиш ва сақлаш, 86 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 34 таси ахборот ва алоқа, 125 таси соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар қўрсатиш ҳамда 392 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллади.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга оширишда мулкчилик ислоҳотлари алоҳида аҳамиятга ега. Фикримизча, хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришда қуйидагиларга ётибор қаратиш мақсаддага мувофиқ:

— хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожига тўлиқ еркинлик бериш, “Агар халқ

бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалга ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш[2];

– мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

– хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторида, авваламбор, хусусий тадбиркорлар учун хомаше ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта қўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очиқ ва ошкора бўлишини таъминлаш;

– давлат мулкини хусусийлаштиришни кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг низом жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган обьектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони.

2. Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми. «Минтақалар рақобатбардошлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги илмий мақолалар тўплами. Тошкент – 2018 йил, 4-бет

3. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.